

---

Ўзбекистон туманидаги ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби республикадаги энг "Замонавий мактаб"лардан бири дея эътироф этилди

Ўзбекистон туманидаги 65-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати давлатимиз раҳбарининг "Замонавий мактаб"ларни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ белгиланган рейтинг тизими бўйича "Замонавий мактаб" мақомига эга бўлди.

Президент қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ofsted ва Жаҳон банки экспертларини жалб қилган ҳолда, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан ҳамкорликда "Замонавий мактаб"ларга қўйилган талаблар, баҳолаш тартиби ҳамда баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

2021 йил якуни билан республикамиз бўйича 751 та умумтаълим мактаблари "Замонавий мактаб"лар мезонлари асосида баҳоланган бўлса, Фарғона вилоятидаги жами 52 та мактаб (21 та умумий ўрта таълим мактаблари, 31 та ИДУМ) тегишли талаблар асосида ўрганилган.

Вилоятимиз бўйича 30 та таълим масканлари "Замонавий мактаб" мақомига эга бўлди (14 та 2-даражали ва 16 та 3-даражали). Жами тўпланган балл бўйича энг юқори натижага эса Ўзбекистон туманидаги 65-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати эришди.

Яна бир қувонарли жиҳати, якуний натижага кўра Фарғона вилояти республика бўйича энг яхши натижани кўрсатган бўлса, Ўзбекистон туманидаги 65-сонли ИДУМ республика бўйича ўрганилган мактаблар орасида таълим сифати бўйича ягона "яшил" кўрсаткич олган мактаб бўлди.

Бугун вилоят халқ таълими бошқармасида ўтказилган тадбирда "Замонавий мактаб" мақомини олган таълим муассасалари раҳбарларига шу ҳақдаги махсус сертификатлар топширилди.

\*\*\*\*\*

2022-02-18 19:35:50